O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ...
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил
6 сентябрь
ЧОРШАНБА

№ 72
(11.875)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади





Олмаликдаги «Аммофос» номи билан машҳур корхона мустақиллик йилларида нафақат мамлакатимизда, балки хорижий давлатларда ҳам донг таратди.
Ҳар куни «Аммофос» тамғаси билан аммофос, аммоний-сульфатфосфат, супрефос, сульфат-аммоний, сульфат кислотаси, минерал ўғитлар ҳамда полиэтилен плёнкаси сингари кимёвий маҳсулотлар ортилган машиналар, темирйўл вагонлари карвонлари белгиланган манзиллар томон ошиқади.



## ҲАР ЮТУҚНИНГ ЎЗ ОМИЛИ БОР

2700 кишидан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган жамоа ишлаб чиқараётган етти турдан зиёд минерал ўғит ҳамда халқ истеъмоли молларига талаб катта.

Жамоада биргина ўтган 2005 йилда 55 миллиард 887 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. 5 миллион 122 минг АҚШ доллари қийматидаги супрефос ҳамда аммоний-сульфатфосфат сингари минерал ўғитлар Хитой, Тожикистон, Қирғизистон каби давлатларга экспорт қилинди.

Жорий йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида ҳам бу ерда 39 миллиард 59 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланди. Бунинг ҳам 1 миллион 744 минг АҚШ долларига тенг қисми хорижга чиқарилди.

— Корхонамиз фосфорли минерал ўғитлар ишлаб чиқарадиган йирик корхоналардан биридир, — дейди акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Баҳодир Содиқов. — Бундан ташқари, корхонамиз «Супрефос» русумидаги мувофиқлаштирилган минерал ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиёда ягонадир. Қолаверса, мамлакатимиздаги қатор кимё корхоналарида тайёрланаётган фосфорли ўғитларнинг 85 фоизи ҳам биргина «Аммофос» корхонаси ҳиссасига тўғри келади.

Мустақиллигимизнинг 15 йиллик байрами кунлари ҳам жамиятимизда янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида изланишлар давом этмоқда. Фосфогипсни қайта ишлаш йўли билан минерал ўғитлар ҳамда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш юзасидан лойиҳалар поёнига етказилаётир.

Энг қувончлиси, корхонамиз юз фоиз маҳаллий хом ашё — қизилқум фосфаритлари ҳисобига фаолият кўрсатмоқда. Илгарилари корхонамизнинг асосий хом ашёси ҳисобланган фосфат кукуни қўшни Қозоғистоннинг «Жанатас каратау» карьеридан катта валюта маблағлари эвазига олиб келинарди. Ҳолбуки, бу модда йил мобайнида 10 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағни талаб этарди.

Кўриб турганингиздек, акциядорлик жамиятида қишлоқ хўжалиги учун зарур минерал ўғитлар, қолаверса, турли халқ истеъмоли моллари кўплаб ишлаб чиқариш борасида талай муваффақиятларга эришилмоқда. Муваффақият эса қуруқ рақамлар йиғиндиси эмас. У корхона ишчи-хизматчиларининг онгли меҳнати ва истиқболни кўзлаб иш тутаётганлиги натижасидир.

Корхонада жорий йил охиригача 65 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

***СУРАТЛАРДА:** ишчи Абдушукур Мухторхўжаев; корхона ҳаётидан лавҳалар.*

**Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар.**

*Ғурур*

## КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

**Ўн беш йил, аслини олганда, тарих олдида киприк қоққудек лаҳзага тенг давр. Аммо вақтнинг қадри, замон шиддати унинг неча йилга чўзилганига қараб эмас, балки шу муддат ичида мамлакат, жамият нималарга эришгани билан ўлчанади. Масалага шу жиҳатдан қарасак, юртимизда қисқа фурсатда катта ютуқлар қўлга киритилганининг гувоҳи бўламиз.**

Буни бизнинг корхона фаолияти мисолида ҳам кузатиш мумкин. Аслида корхона 1996 йил июль ойидан бошлаб масъулияти чекланган жамият шаклида иш бошлаган эди. Шундан сўнг орадан 3 йил ўтиб қўшма корхонага айлантирилиб, чет эл инвестицияси киритилди. Ўтган давр биз учун чиниқиш ва муваффақиятларга эришиш йилларига айланди, десам муболаға бўлмайди. Корхонамиз паррандачиликка ихтисослашган бўлиб, бройлер товуқларни етиштириш, тухумидан наслли жўжа очириш билан шуғулланади. Ҳозир маҳсулотларимизга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Ҳар йили ўн миллион сўмлаб соф фойда олаяпмиз.

Президентимиз Республика Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида айни ҳақиқатни таъкидлаб ўтди. «Юртдошларимизда эгалик ҳиссиётини, бу ер, бу юрт, шу уй, шу Ватан меники, деган муносабатларни уйғотиш, шу замин обод ва унумли бўлиши учун қанча меҳнатим сингса, менинг ўзим, оилам, фарзандларим, насл-насабим шунча манфаат кўради, деган туйғу билан яшаш одамларимизнинг ҳаётга ва меҳнатга қарашини тубдан ўзгартирмоқда ва диёримизнинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшмоқда». Тўғрида ҳар қанча қилсак, бегона юрт учун эмас, балки ўзимизнинг жондан азиз Ватанимиз равнақи учун қиламиз.

Бундан 15 йил муқаддам республикамиз бир томонлама иқтисодиётга, хомашё ишлаб чиқаришга йўналтирилган эди. Халқ истеъмоли молларининг 60 фоизидан ортиғи ва саноат буюмларининг кўп қисми ташқаридан олиб келинар эди. Кўпдан-кўп қийинчиликлар, ҳатто сунъий ғовлар мавжуд эдики, улар бор имкониятларни тўла-тўкис рўёбга чиқариш учун тўсқинлик қиларди. Энди-чи?

Бу тўсиқлар йўқ. Буни аввало мустақиллик шарофати, қолаверса, Юртбошимизнинг биз тадбиркорларга доимий ғамхўрлиги нишонаси деб биламан. Мен мана шундай кенг имкониятлар мамлакатида яшаётганимдан ғурурланаман.

**Баҳодир ҲОШИМОВ,
Зангиота туманидаги «Виртех-агро» Ўзбекистон-Америка-Россия қўшма корхонаси бош директори.**

## КАМОЛОТНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ёш авлод тарбияси ҳақида тўхталиб, байрам табригида миллий онг, миллий ғурур ва ифтихор туйғусини ёшлар онгига чуқур сингдириш лозимлигини таъкидлади.**

«Мустақиллигимиз йўл очиб берган маънавий ҳаётимизнинг юксалиши, — деди Юртбошимиз, — миллий онг, миллий ғурур ва ифтихоримизни тиклаш, ёш авлодимизни шу аснода тарбиялаш имконини бермоқда». Улар ўқиб, билим олиб, касбларни эгаллаб, ўз куч-ғайратларини Ватан равнақи учун сарфламоқдалар.

Ёшларни маънавий тарбиялаш, бўш вақтни мазмунли ва самарали ташкил этиш, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида содир этилиши мумкин бўлган жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни касбларга йўналтириш мақсадида шаҳар ва туманларимизда ёшлар ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилмоқда.

Мустақиллигимизнинг 15 йиллигини нишонлаш кунлари Қибрай туманида ҳам шундай марказнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда замонавий компьютер ва тикиш-бичиш тўгараги фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, бугунги кунда 150 нафардан ортиқ ёшлар ушбу тўгаракларга аъзо бўлган.

У келажакда ёшларга ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам беришга хизмат қилиб, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Марказда ёшларга бепул хизмат қилиш кўзда тутилган.

Мана шундай марказ Қизилтоғ шаҳарчасида ҳам иш бошлади. Эндиликда 200 нафардан ортиқ ёшлар ушбу марказ қошидаги тўгаракларнинг машғулотларига қатнашмоқдалар. Ўйлаймизки, бу саъй-ҳаракатларнинг ҳаммаси баркамол авлодни вояга етказиш мақсадларига хизмат қилади.

**А. ҚУРБОНОВА,
«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўлимининг бош мутахассиси.**

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

### «ДИҚҚАТ, БОЛАЛАР!»

***Янги ўқув йили бошланиши муносабати билан йўлларда пиёдалар қатнови бир неча баробар ортди.***

Шу сабабли болалар ўртасида йўл билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан «Диққат, болалар!» тадбири эълон қилинди.

2 сентябрдан 12 сентябрга қадар давом этадиган ушбу тадбирда йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари таълим муассасаларида йўл қоидалари бўйича тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Бундан ташқари, махсус дастур асосида 17 соатлик дарслар ҳам ташкил этилган.

**Исроилхўжа САЙДИКАРИМОВ,
вилоят ЙХХБ тарғибот-ташвиқот бўлими нозири.**

### КОНЦЕРТДАН СЎНГ СОВҒА

***Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Ўзбекистон либерал-демократик партияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Янгийўл шаҳар кенгаши ҳамкорлигида мурувват тадбири ташкил қилинди.***

Унда 40 га яқин ўғил-қизлар учун шаҳар марказидаги «Музқаймоқ» павильонида дастурхон ёзилди.

Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг катта концерт дастури тадбир иштирокчиларининг кайфиятини янада кўтарди.

Болажонларга ўқув қуроллари, кийим-бошлардан иборат совғалар топширилди.

**Зуҳра ҲАЙДАРОВА.**

### ҚЎШМА КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

***Бекобод туманида «Nekapress PLUS» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси икки сменада тўла қувват билан иш бошлади.***

Швейцариянинг «SAPT» фирмаси чиқит ва паст навли пахта ҳамда тўқимачилик саноати чиқиндиларини қайта ишловчи замонавий ускуналар олиб келиб ўрнатгач, бу ерда 28 та янги ишчи ўрни яратилди. Корхона иш бошқарувчиси Илҳомжон Абдаловнинг эътироф этишича, бу замонавий техника бир йилда чиқит хом ашёни қайта ишлаб, 3500-4000 тонна тола ишлаб чиқариш қувватига эга.

**Гулжаҳон ЖАББОРОВА.**

### КУТУБХОНА МЕҲМОНЛАРИ

***Юқоричирчиқ тумани марказий кутубхонасида «Кўнгил кўнгилдан сув ичар» деб номланган хайрия кечаси ташкил этилди.***

У «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими кенгаши ҳамда «Камалак» ташкилоти томонидан ўтказилди. Туман маҳаллаларида истиқомат қилаётган боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож 20 нафар болажонлар меҳмон бўлишди. Уларга мактаб ўқув қуролларидан иборат совға-саломлар топширилди.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**

### АВИАМОДЕЛЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

**Ўртачирчиқ туманидаги «Аранчи» аэродромида спортнинг техник тури ҳисобланган авиамоделчилик йўналиши бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.**

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгаши ташаббуси билан уюштирилган беллашувларда республикамизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган 100 га яқин ихтирочи спортчилар 6 классдаги авиамоделлар бўйича иштирок этишди. Умумжамоа ҳисобида Самарқанд вилояти терма жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи поғонани андижонликлар банд этган бўлса, учинчи ўрин Тошкент шаҳри жамоасига насиб этди.

Вилоятимиз терма жамоаси эса 11-ўрин билан кифояланди.

**Отабек ЭЛТОЕВ.**

## УМИДИМИЗ ЯГОНА, ОРЗУЛАРИМИЗ МУШТАРАК

**Мана бир неча кунки, азиз Ватанимиз бўйлаб кўнгилларни равшан қилиб, қалбларни ифтихорга тўлдирувчи шукуҳли байрам руҳи кезиб юрибди. Эл-улус Мустақиллигимизнинг 15 йиллик байрамини алоҳида бир кўтаринкилик билан байрам қилдик.**

Ҳар бир байрам — ўзига хос сарҳисоб. Миллий байрамимиз — Мустақиллик куни бу жиҳатдан алоҳида ўрин тутади. «Бугун, — деди Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида, — тарихан қисқа даврда босиб ўтган ўн беш йиллик тараққиёт йўлимиз давомида рўёбга чиқарган орзу-умидларимиз, амалга оширган ишларимизни баҳолаб олишимиз, биз ким эдигу ким бўлдик, қандай эзгу мақсадларга эришмоқчимиз, деган саволларни қўйишимиз табиийдир».

Шаҳар ва туманларда, олис-яқин қишлоқ ва овулларда ўтган тантаналарда айни шу руҳ сезилиб турди. Ҳар биримиз ўзимизга шундай саволлар бериб, ўн беш йиллик ҳаётимиз давомида кўрган-кечирганларимизни, ўзлигимизни намойиш этиш, азиз ва мукаррам Ўзбекистонни янги равнақ даражасига кўтариш учун қилган меҳнатларимиз ва чеккан заҳматларимизни бир-бир кўз олдимиздан ўтказдик.

Кўпмиллатли Ўзбекистон халқи демократик тамойилларга таяниб, мамлакатимизнинг буюк келажагини комил ишонч ва ҳамжиҳатлик билан барпо этмоқда. Байрам тантаналарида бу фикр турли тилларда ифодаланди. Руслар, қозоқлар, украинлар, белоруслар, тожиклар — ҳар бир миллат ва элатнинг мамлакатимизда яшаётган фарзандлари бу байрамни ўзбеклар билан ёнма-ён туриб, шод-хуррамлик билан нишонладилар. Турли миллатлар вакиллари байрам кунлари Ватан мукофотлари билан тақдирландилар. Жумладан, вилоятимизда меҳнат қилаётган энг муносиб кишиларга «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 15 йил» кўкрак нишонлари топширилди. Вилоят ҳокими Мирзамашрап Куччиев уларнинг ҳар бирини илиқ, самимий сўзлар билан муборакбод этди.

Гузарларда, маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда байрам тантанали нишонланди. Дастурхонлар ёзилиб, катта-кичикка ош тортилди, совға-саломлар топширилди.

— «Оҳангарондон», «Аммофос», «ОКМК» акциядорлик жамиятлари ва бошқа ҳомийлар 240 қариямизнинг кўнгилларини овлаб, чин маънода базм уюштиришаяпти, — дейди Оҳангарондаги «Саховат» уйи раҳбари Раҳимахон Аҳророва.

Ҳамма ерда шундай руҳ, шу шукроналик, шу эътироф. Меҳр-оқибат ва мурувват, сахийлик ва меҳрибонлик, миллатлар ва динлараро ҳурмат муҳити бугунги Ўзбекистон жамиятига хос хусусиятга, умуммиллий фазилатга айланди. Шу баҳамжиҳатлик, орзу-умид ва мақсадларнинг бирлиги ягона Ватанимиз — Ўзбекистонда абадул-абад тинчлик ва барқарорлик, юксалиш ва фаровонлик асоси бўлиб қолаверсин.

**Жўрабек МУРОДОВ.
Даврон АҲМАД олган суратлар.**









# БИЛИМЛАР САЛТАНАТИГА САЁҲАТ



**Эрта тонгдан яна кўчаларимиз гавжумлашиб кетди. Ёзги оромгоҳларда, мувақкат дам олдириш масканларида, боғ-роғларда таътилни ўтказиб, бугун мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлари сари отланган ўғил-қизларимизнинг гулгун чеҳраларида бир олам қувонч. Улар янги куч, янги мадад ва катта орзу-умидлар билан ўқишни бошлаб юборишди.**

Катталар болаларимиз пухта, мукаммал билим олишлари учун ўз бўйи алоҳида иштиёқ ва ғайрат, улкан саховатпешалик билан меҳнат қилишди. Ўқув муассасаларини қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига бюджет ва ҳомийларнинг миллиард-миллиард сўм маблағлари сарфланди.

Биргина Чиноз туманида 6 та мактаб янги ўқув йилига мукаммал таъмирланиб, мебель ва компьютер техникаси билан таъминланди. Таълим муассасалари моддий-техник базасини ривожлантиришга Кенбой Кўккузов, Абдужаббор Тошматов, Муқим Эрхўжаев сингари саховатли инсонлар алоҳида эътибор кўрсатишди.

Оҳангароннинг Қўрғон маҳалласида 360 ўқувчига мўлжалланган янги замонавий мактаб биноси илк дафъа ўқувчиларни ўз бағрига олди. Икки қаватли бу бино тамомила бюджет маблағлари ҳисобига барпо этилди. Қурувчилар 430 миллион сўмлик иш бажаришди. Янги мактаб биносининг очилиш маросимида вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Зиёвуддин Ниёзов иштирок этди. Таъкидландики, халқ таълимини тубдан ислоҳ қилиш, «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури»ни амалга ошириш ниҳоятда катта куч ва маблағ талаб қилади. Лекин мамлакат истиқболи, эл-юрт иқболи нуқтаи назаридан қараганда, бу саъй-ҳаракатлар келажакдаги барқарор юксалиш пойдеворига қўйилаётган мустаҳкам асослардир.

Барча шаҳар ва туманларда ўқувчилар кўплаб янги ёки тамомила қайтадан таъмирланган таълим муассасаларида ўқишни бошлашди. Вилоятимиздаги 889 та умумтаълим мактаби, 4 та лицей ва 76 та коллежда жами 546 мингдан ортиқ ўғил-қиз янги ўқув йилида илк бор парталарга ўтириб, сабоқ олишни бошлади. Уларга 37 минг 500 дан зиёд ўқитувчи билим бермоқда. Замонавий ахборот технологиялар ва янги ўқув-лаборатория жиҳозлари уларга ёрдамга келди. Бу ҳол таълим-тарбия даражасини кўтариб, пухта билимли, маънавий етук, жисмоний соғлом янги авлод камол топишига ўз таъсирини кўрсатиши шубҳасиз.

**Ю. ЖУМАНИЁЗОВ.**

## 2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили



# ТУҲФА МУНОСИБ БЎЛДИ

**Вилоят ўсма касалликлари диспансерида радиология бўлими капитал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Унинг очилиш маросимида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси вакиллари, малакали шифокорлар ҳамда таъмирлаш ишларига ўз ҳиссаларини қўшган ҳомийлар иштирок этишди.**

Қурилиш ашёлари ва таъмирлаш хизматига ҳомийлар томонидан 20 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди, электрокардиография аппарати тақдим этилди.

— Ҳозир бўлимимизда 3 нафар олий ва 2 нафар биринчи тоифали тажрибали шифокор малакали хизмат кўрсатмоқда, — дейди кардиология бўлими мудири, олий тоифали онколог Фахрилла Қўчқоров. — Шунингдек, 5 нафар олий, 10 нафар турли тоифали ҳамширалар беморларимиз соғлиғини тиклашга ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Бўлим 25 нафар беморга мўлжалланган бўлиб, касалликни даволашда замонавий усулларни татбиқ қилиш имкониятига эга. Шунингдек, беморларга бепул ҳамда сифатли тиббий хизмат кўрсатилади.

Бўлимда ўпка, ошқозон, сут бези саратонлари билан оғриган беморлар жарроҳликдан олдинги ва кейинги даврда терапевтик нур қабул қилиш йўли билан даволанадилар. Бунинг учун Россиядан келтирилган замонавий тиббий асбоб-ускуналар мавжуд.

Кадрлар малакасини муттасил ошириб бориш мақсадида Россия ва бошқа ҳамдўстлик давлатларининг онкология марказлари билан илмий-амалий тадқиқотлар, тажриба алмашиш ишлари йўлга қўйилган. Шунингдек, ҳамкорлик асосида ёш мутахассислар янги йўналишлар бўйича малака оширмоқдалар.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

***СУРАТДА:** радиология бўлими шифокори Фахрилла Қўчқоров ҳамда ҳамшира Шаҳноза Азаматова беморнинг аҳволи билан танишмоқдалар.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

*Долзарб мавзуда суҳбат*

# ИМТИЁЗ — РИВОЖГА ҚАНОТ

**Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, шу орқали аҳолининг катта қисмини иш билан банд қилиш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланди. Шу мақсадда бу соҳада фаолият юритаётган хусусий корхоналар, кичик бизнес, умуман, барча юридик шахсларга хилма-хил имтиёз ва эркинликлар берилаётир.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада истиқболли вазифаларни белгилаб берди. Шу қарорга мувофиқ, жумладан, солиқ соҳасида янгича тартиб ўрнатилди.

— Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Давлат солиқ қўмитаси «Айрим хизматларни кўрсатаётган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида»ги низомни тасдиқладилар, — деди вилоят Давлат солиқ бошқармаси юридик шахслардан бюджетга тушадиган тўловларни назорат ва таҳлил қилиш бўлими бошлиғи Аббос Валиев «Тошкент ҳақиқати» мухбири билан суҳбатда. — Унда давлатимиз раҳбарининг қарорида белгиланган янги имтиёзларни қўллаш тартиби аниқ-равшан белгиланган.

Маълумки, Юртбошимиз қарорига биноан шу йил апрелдан бошлаб айрим хизматларни кўрсатаётган юридик шахслар уч йил муддатга даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқни тўлашдан озод этиладилар. Улар сирасига молиявий ва банк хизматлари, лизинг, суғурталаш, аудиторлик ва бухгалтерия ҳисобини юритиш хизматлари, пойабзал ва чарм буюмларни таъмирлаш, соатларни, маиший электрон ва электр асбобларни тузатиш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш, ветеринария, таълим, шу жумладан, компьютерларда ишлашни ўргатиш, болалар спорт муассасалари ва тўгаракларининг хизматлари, болалар, ногиронлар ва кекса фуқароларга қараш бўйича хизматлар киради. Низом қоидалари бюджет ташкилотларига татбиқ этилмайди.

**— Лекин кўпчилик тадбиркорларнинг фаолияти фақат юқорида санаб ўтилган хизматлар доираси билан чекланмайди-ку?**

— Юқорида айтилган хизматлар билан бир қаторда бошқа фаолият кўрсатаётган юридик шахслар алоҳида ҳисоб юритадилар. Улар имтиёзли солиқ тўғрисидаги маълумотномани илова қилган ҳолда даромад (фойда) солиғи ёки ягона солиқ тўлови бўйича ҳисоб-китобларни белгиланган муддатларда тақдим этадилар.

Низомда молиявий ва банк хизматларини кўрсатаётган юридик шахслар учун имтиёзларни қўллаш тартиблари ҳам алоҳида ва аниқ белгилаб қўйилган. Чунончи, лизинг, суғурта ва бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича хизматларга кирувчи ва имтиёз берилишига асос бўлувчи ҳолатлар шулар жумласидандир.

**— Маиший ва бошқа хизматларни кўрсатувчи юридик шахсларга бундай имтиёзларни қўллаш тартиби қандай?**

— Давлатимиз раҳбари қарорида бу борадаги хизматларнинг етакчи, асосий турлари кўрсатилган. Низом эса, хизмат турларини бирмунча «майдалаб», аниқлаштириб беради. Айтайлик, қарордаги пойабзал ва чарм буюмларни тузатиш бўйича хизматларнинг кичик-кичик турлари, кўринишлари таъкидлаб кўрсатилган. Барча хизмат турлари шу тариқа аниқ кўрсатилиши имтиёзларни қўллашда солиқ идоралари ходимларига ҳам, бу имтиёзлардан фойдаланувчи юридик шахсларга ҳам қулайлик туғдиради.

**— Маълумки, ҳеч қандай имтиёз умуман жавобгарлик ва назоратдан соқит қилмайди. Демоқчимизки, ҳозирда амал қилинаётган янги тартиблардан ҳам муайян масъулият келиб чиқади.**

— Гапингиз тўғри. Низом ҳам янги имтиёз эгалари учун, ҳам солиқ идоралари ходимлари учун муайян масъулият юклайди.

**— Хўш, бу масъулият нималардан иборат?**

— Аввало, юридик шахслар янги солиқ имтиёзларидан оқилона фойдалана олишлари керак. Бунинг учун ўзларига берилган солиқ имтиёзларини назарда тутган ҳолда солиқларни тўғри ҳисоблаб, амалдаги қонунларга биноан уларни ўз вақтида тўлашлари лозим.

Иккинчидан, солиқ идораларининг ходимлари ўз фаолиятларида Низомда белгиланган тартибга оғишмай амал қилишлари зарур. Лекин бу солиқлар тўғрисидаги қонунларнинг тўғри қўлланиши учун жавобгарликни асло бўшаштирмайди.

*Албатта, бу имтиёзлар шунчаки навбатдаги қадам эмас. Унинг қадрига етиш, тадбиркорликни янада ривожлантириш йўлларини излаш муҳим. Ҳокимликлар, савдо-саноат палатаси ва унинг жойлардаги вакиллари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари раҳбарлари хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг бугунги ҳолатларини таҳлил қилиб, унинг истиқболли режаларини белгилаб олишлари, аҳолининг кенг қатламларини у ёки бу хизмат турлари билан шуғулланишга рағбатлантиришлари керак. Ана шундагина ҳар қандай имтиёз иқтисодий юксалиш қанотига айланади.*

# БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Халқаро сармоядорлар консорциуми Орол денгизининг Ўзбекистон қисмида геология-қидирув ишларини олиб бориш, кейинчалик янги очиладиган углеводород конларини ишлаш юзасидан Маҳсулот тақсимоти бўйича битимни имзолади.**

Сармоядорлар консорциуми таркибига "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, "ЛУКОЙЛ Оверсиз Холдинг" (Россия), "Petronas Carigali Overseas" (Малайзия), "CNPC International" (Хитой), "Korea National Oil Corporation" (Жанубий Корея) кирган.

2005 йил 8 сентябрда Консорциум тузиш ҳақида имзоланган битимга биноан иштирокчилар лойиҳада тенг улушга эга.

Геология-қидирув ишларининг биринчи босқичи якунлари бўйича кўп йўналишли техник-иқтисодий асос ишлаб чиқилади ва кейин Маҳсулот тақсимоти бўйича битимнинг тижорий шартлари, шу жумладан иккинчи босқичдаги геология-қидирув ишларининг минимал дастури, солиқлар ва тўловлар ставкалари ҳамда бошқа иқтисодий кўрсаткичлар келишилади. Маҳсулот тақсимоти бўйича битимнинг тижорий шартлари келишилгандан сўнг геология-қидирув ишларининг иккинчи босқичи бошланади ва янги нефть-газ конларини ишлашга киришилади.

35 йилга тузилган Битим шартларига кўра, маҳсулот қуйидагича тақсимланади: Ўзбекистонга – 50 фоиз, халқаро сармоядорлар консорциуми иштирокчиларига – 10 фоиздан.

**Виктор НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Иқтисодиёт*

**Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ўзига хос, муайян мазмун ва моҳиятга эга қатор иқтисодий тушунчалар пайдо бўлди. Кредиторлик ва дебиторлик атамалари ҳам шулар жумласидандир. Улар ўзаро молиявий ва хўжалик алоқаларини олиб борувчи банклар, корхоналар ва ташкилотлар фаолиятлари давомида бир-бирлари билан иқтисодий ва молиявий муносабатлари жараёнида юзага келади.**

# МОЛИЯВИЙ ИНТИЗОМ МУҲИМ

Бундай қарзларни ўз вақтида тўлаш молия интизомининг муҳим шартидир. Харид қилинган маҳсулот ҳақини вақтида тўламаслик ёки олинган маблағдан шартномада белгиланган муддатда узилмаслик бу тамойилларни бузиш ҳисобланади ва унинг оқибатлари муайян тангликка олиб келади. Хусусан, корхона-ташкилотларнинг иқтисодий ва молиявий аҳволи ёмонлашиши, айланма маблағларнинг камайиши, буюртмачи ва ижрочи ўртасида ҳамкорликка путур етишига сабаб бўлади. Бунинг натижасида улар фаолияти кескин сусайиб, ҳатто банкротликка учраши ҳам мумкин.

Шунинг учун вилоятимизда бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш ва қарздорликни камайтириш мақсадида тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлашга қаратилган ишлар тўхтовсиз давом этмоқда. Шаҳар ва туманларда бундай муаммолар билан шуғулланувчи махсус комиссиялар ишлаб турипти. Бунинг самараси туфайли айрим корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари камайди ёки тўла бартараф этилди. Жумладан, Олмаликдаги «Аммофос» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси бу масалада ижобий натижаларга эришмоқда. Чунончи, шу йил бошидан бери дебитор ва кредиторлик қарзи камайди. Дебиторлик қарзни ундириш ўз навбатида кредиторлик қарзларнинг муайян қисмидан халос бўлиш имконини берди.

Афсуски, вилоятимизнинг бошқа йирик саноат корхоналарида қарздорлик ҳамон давом этяпти. Чунончи, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати», «Электркимёсаноат» очиқ акциядорлик жамиятларида қарзларнинг камайиши суст. Дебитор қарздорликка кўп микдорда йўл қўйган корхоналарнинг яна бири Қибрайдаги «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бирлашмасидир. Унинг қарзи йил бошидан бери тўхтовсиз кўпайиб, шу йилнинг 1 июль ҳолатига келиб 15,1 миллион сўмга етди.

Вилоят бўйича дебитор қарздорликнинг асосий улуши асосан юқорида номлари тилга олинган корхоналар жойлашган шаҳар ва туманлар ҳисобига тўғри келмоқда. Бу Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари, Қибрай ва Ўртачирчиқ туманларидир. Уларда йил бошидан бери қарздорлик янада ошди.

Таассуфки, мониторинг ўрнатилган вазирликлар бўйича ҳам дебиторлик қарзлари вилоят бўйича 72,2 фоизга, муддати ўтганлари эса 86,8 фоизга етган. Жумладан, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси тизимига кирувчи корхоналар дебитор қарздорлиги вилоят бўйича 30,8 фоизга тўғри келмоқда. Компания томонидан йил бошига нисбатан қарздорлик сал кам 48 миллиард сўмга кўпайишига йўл қўйилган. Бундай қарздорлик «Ўзкимёсаноат» тизимидаги корхоналарда йил бошидагига нисбатан 14,6 миллиард сўмга, «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамиятида 10,7 миллиард сўмга, «Ўзкоммунхизмат» агентлигида 1,1 миллиард сўмга ортган. Бу идоралар раҳбарлари тизимдаги корхоналарнинг дебитор ва кредиторлик қарздорлигини бартараф этишга етарли эътибор бермаяптилар.

Дебитор қарздорликни ўз вақтида тугатилмаслиги корхона-ташкилотлар томонидан олинган кредитларнинг белгиланган муддатда тўланмаслигига, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ва бошқа маҳсулотлар ҳақидан вақтида узилмаслигига олиб келади. Оқибатда кредиторлик қарзлар ҳам кўпайиб бораверади.

Вилоят бўйича жами кредиторлик қарзларининг асосий қисми Ангрен, Олмалиқ, Чирчиқ шаҳарлари, Ўртачирчиқ, Қибрай туманлари улушига тўғри келмоқда. Қибрайдаги «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати», Ангрендаги «Ўзбеккўмир», Чирчиқдаги «Электркимёсаноат» очиқ акциядорлик жамиятларининг бундай қарзлари кам эмас. Айниқса, муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳамон мавжудлиги ташвишлидир. Жумладан, вилоят бўйича муддати ўтган дебиторлик қарзлари шу йилнинг ўтган беш ойида 132,8 миллиард сўмга етган бўлса, кредиторлик қарзлар 119,4 миллиард сўмни ташкил этди. Корхона ва ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳақида тузилган шартномаларга амал қилмасликлари, ўзаро бажарилган ишлар, етказиб берилган маҳсулотлар, кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида қилинмаслиги, олинган кредитларни белгиланган муддатда қайтарилмаслиги ва бошқа сабаблар шундай нохуш ҳолатга олиб келмоқда. Жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар, мутасадди ташкилотлар, хўжаликлар раҳбарлари вилоятимиз саноат ишлаб чиқарилишида бундан қарзларнинг камайишига тўсқинлик қилаётган ҳолатларнинг юзага келищи сабабларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишлари, уларнинг олдини олиш учун барча зарур чора-тадбирларни белгилашлари ва изчил амалга ошириш учун ҳамма имкониятларни ишга солишлари лозим. Чунки, бундай қарздорликлар ривожланишга тўсиқдир.

**Мирсобир МИРҲАМИДОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# ЕНГИЛ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

***Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида"Текстиль экспо Узбекистан — 2006" халқаро кўргазмаси иш бошлади.***

"ITE Uzbekistan" халқаро кўргазма компанияси, "Ўзбекенгилсаноат" компанияси, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси каби ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазмада 23 мамлакатнинг қарийб 160 компанияси ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулот ва кўрсатаётган хизматларини намойиш этмоқда. Жумладан, Ўзбекистон, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Швеция, Италия, Германия сингари давлатларда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари ҳамда тўқимачилик машинасозлиги соҳасидаги сўнгги ютуқлар – трикотаж ва тўқув дастгоҳлари, пардозлаш ускуналари, тўқимачилик материаллари, кимё саноати, либосларни моделлаштиришга доир янги ишланмалар кўргазма залларидан кенг ўрин олган.

**ЎзА.**

*Изланиш ва самара*

# АРЗОН ВА ҚУЛАЙ ҚУВВАТ МАНБАИ

**Ангрендаги «Элерем» унитар корхонасида сувни қуёш нури ёрдамида иситишга ихтисослашган янги ускуна — қуёш батареяларини тайёрлаш йўлга қўйилди. Кундалик турмушимизга янгилик сифатида кириб келган бу маҳсулот турига айни вақтда талаб ошиб бормоқда.**

Дарҳақиқат, ҳар бир соҳа фан янгиликларининг, илғор тажрибаларнинг амалиётга татбиқ этилиши билан тараққиётга юз тутади. Фаолияти давомида электр жиҳозлари ишлаб чиқариб, шартнома мажбуриятларини адо этиб келаётган корхона ҳаётида 2004 йилнинг май ойида туб бурилиш ясалди. Бу ерда аввало оғир саноатда қўлланиладиган турли электр двигателларни капитал таъмирлаш йўлга қўйилди. Кейинги йилларга келиб, мисни қайта ишлаш асосида электр симлари тайёрлаш цехининг фаолияти ҳам жонланди. Шу йўсинда корхонанинг тайёр маҳсулотлардан олинаётган ялпи даромади ошди. 2004 йили корхонада 836164,3 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, кейинги бир йил ичида бу кўрсаткич 1019115,9 минг сўмга етди. Шу йилнинг биринчи ярмида эса 602039,5 минг сўмлик иш бажарилди.

— Корхонанинг келажаги порлоқ, — дейди Бекободдаги «Ўзметкомбинат» очиқ акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош муҳандиси Ғайрат Асанов. — Сир эмас, олдинлари кимё, кон-металлургия, энергетика соҳасида, яъни оғир саноатда фойдаланиладиган катта электр двигателлари ишдан чиққач, кераксиз матоҳга айланиб қоларди. «Элерем» корхонасининг бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиққан бугунги ютуғи мана шу муаммоларга амалий ечим топилганида!

Корхона ҳозирги кунда республикамиздаги «Нефтгаз», «Ўзбекэнерго» давлат акционерлик компаниялари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, кончилик мажмуаси каби бир қатор соҳалардан ташқари МДҲ давлатлари, жумладан, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистондаги саноат корхоналари буюртмаларини ҳам бажариб бераяпти.

— Бу ишларни йўлга қўйишда ҳамкорларимиз — Россиянинг Нарофоминск шаҳридаги «Эленар» ишлаб чиқариш заводи етакчи мутахассислари катта ёрдам беришди, — дейди корхона директори Шавкат Нажимов. — Электр двигателларини мукаммал таъмирлаш, уларни изоляциялаш каби ишлар эндиликда корхонанинг ўзида сифатли бажарилаяпти.

Қуёш батареяларига келсак, бу корхонамиз учун ҳам, мижозлар учун ҳам манфаатлидир. Бу ускуна ўз йўналиши доирасида электр энергия ва кўмир сарфларининг камайишига, корхоналарнинг, аҳоли турмушининг ижтимоий ривожланишига катта ёрдам беради.

— Ускуна арзон ва қулайлиги билан харидорлар эътиборини жалб этаяпти, — дейди Олмалиқ кон-металлургия комбинати бош директорининг биринчи ўринбосари Сергей Дабижа. — Масалан, бизнинг бирлашмамиз ва унинг тасарруфидаги «Қалмоққир», «Каулди» ва бошқа кон корхоналарида ўрнатилган қуёш батареялари кончиларимизга сифатли хизмат кўрсатиб келаяпти. Бу ускунага бошқа жойларда эҳтиёж катта.

Ҳа, изланиш бор жойда ўзгариш бор. Янгиликка интилувчан жамоа аҳлининг меҳнатдан манфаатдорлиги йилдан-йилга ошиб бораяпти. Ишчи-хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи 150-170 минг сўмга бораяпти. Ўтган йили корхонада 40 та янги иш ўринлари барпо этилган бўлса, шу йилнинг биринчи ярмида яна 20 дан зиёд киши ишли бўлди.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## Маънавиятимиз жонкуярлари



**Инсоннинг тиришқоқлик ва топқирлиги шундай хислатки, у имкониятдан унумли фойдаланган ҳолда ўзига топширилган юмушларни асло ортга сурмайди, кўнгилдагидек қилиб бажаради. Бундайлар ишлари жойида эканлигига қаттиқ ишонадилар. Иттифоқо, рўй берадиган нохуш воқеа, ҳодисалар уларни кўзлаган мақсадларига эришишларига монелик қилмайди. Оҳангарон туман «Маънавият ва маърифат» маркази тарғиботчиси Нигора Йўлдошева билан илк танишганимда кўнглимдан ана шундай фикрлар кечганини яширмайман.**

# ВАТАН ОСТОНАДАН БОШЛАНАДИ

Қурама тоғининг этакларида сўлим бир қишлоқ бор. Номи ҳам ўзига хос — Қорахтой. Бу томонларда қишлоқларнинг номи ҳам, одамларнинг феълатвори ҳам ўзгача. Қизларининг сулувлиги-ю, момоларининг сўзамоллиги, гап-гаштакка, айниқса, ўлан айтишга моҳирлиги, пири бадавлат кексаларининг тантилиги, йигитларининг алп қомати-ю, мардлиги, барибари ўзларига ярашади. Ҳарқалай, Нигора ҳам ана шу гўзал маъвонинг фарзанди.

— Биз миллий истиқлол ғояларини мустаҳкамлаш, иқтисодий, маданий-маънавий тараққиётга озгина бўлса-да, ҳисса қўшиш хусусида уни идрок қилмасдан, қадриятларимизнинг мазмун-моҳиятини англамасдан ҳеч бир киши маънавий уйғоқ, баркамол инсонга айлана олмаслигига тан беришни истамаймиз, — дейди Нигора Йўлдошева. — Хўш, бунинг учун нима қилишимиз керак? Жамиятимизда нафақат иқтисодий, балки маънавий-маърифий соҳаларда рўй бераётган янгиликларни, аввало, ўзимиз пухта тушуниб, уларни тарғиб эта билишимиз зарур. Ана шундагина кўзлаган мақсадга — ёшларимиз қалбига маданий, маърифий тамойилларни етказишга эришамиз.

Дарҳақиқат, «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими саъй-ҳаракатлари туфайли ўтган ярим йиллик давомида мактаб ва коллежларда, маҳалла, хўжалик, корхона ва муассасаларда 300 дан зиёд маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Ёшларни она Ватанга муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялаш, мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатишга ундовчи бундай тадбирларнинг кўлами ниҳоятда кенг. «Аждодлар анъаналарини давом эттирамиз», «Икки авлод учрашуви», «Хотирангиз мангудир», «Она Ватан ўғлонлари», «Ватан ҳимояси муқаддас бурч», «Ватанни севмоқ имондандир» каби тадбирларнинг санаб саноғига етиб бўлмайди. Уларнинг ташкилотчиси ҳам, илҳомчиси ҳам Нигора Йўлдошевадир.

Шу кунларда Оҳангарон тумани марказида, меҳнат жамоалари ва таълим муассасаларида бўлиб ўтаётган Мустақиллигимизнинг 15 йиллигини муносиб кутиб олиш тўғрисидаги режаси асосида «Биз улуғ юрт фарзандларимиз», «Мустақиллик — олий бахт» каби адабий-бадиий, маънавий-маърифий тадбирлар ана шулар жумласидандир.

Нигорахоннинг саъй-ҳаракатлари, куюнчаклиги туфайли байрам арафасида маданият ва спорт туман бўлими билан ҳамкорликда жойларда хайрия концертлари ташкил этилиб, ана шу концертлардан тушган маблағ ҳисобидан Ватан ҳимояси йўлида ҳалок бўлганлар оилаларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди.

Маънавият ва маърифат сўзини бир жумла ёки бир гап билан ифодалаб бўлмайди. Унинг замирида Ватанга садоқат, қалбдаги имон, эътиқод, дунёқараш, фикрлаш тушунчалари мужассам. Ўз фикрига, тафаккурига эга бўлганларгина маънавият ва маърифат сўзининг мазмун-моҳиятини англаб етадилар.

Бугунги кунда рўй бераётган воқеалар, ўзгаришларни одамлар қалбига етказиш учун ҳам сабр-тоқат ва албатта сўзамоллик жуда зарур. Бу борада ҳам Нигора Йўлдошева олдинги сафларда бораётганини таъкидлагимиз келади.

**Шавкат ҚУЛИБОЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## Пахта — 2006

# МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ КАТТА

**Ҳозир вилоятимиз пахтазорларида экиннинг бугунги аҳволи ва талабига қараб, муҳим, зарурий агротехник тадбирлар қизғин давом этмоқда. Мавсумда катта мақсад ва режаларни кўзлаётган деҳқонлар бор куч ҳамда имкониятларини айни шу масъулиятли жараёнга сафарбар этмоқдалар.**

Хусусан, Қуйичирчиқ туманидаги «Тиллабек ўғли Улан» фермер хўжалиги аъзолари ҳам йиғим-терим оммавий бошланишидан олдин бажарилиши лозим бўлган барча вазифаларни охирига етказишга астойдил бел боғлаганлар.

— Айни кунда асосий эътибор ғўза заракунандаларининг оммавий тарқалишига йўл қўймасликка, дефолиацияни вақтида ва сифатли ўтказишга қаратилган, — дейди фермер Тиллабек Қадрбеков. — Ғўза баргларини сунъий тўктиришга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрдик. Мақсадимиз уни рисоладагидек якунлаб, ҳосилдорликни контрактация шартномасида белгиланганидан 8-10 центнерга оширишдир.





Бундай масъулиятли паллада туман ҳудудидаги жами 13980 гектар пахта майдонига 40 та махсус трактор ҳамда механизаторлар сафарбар этилган.

**Мўмин ИБОДОВ.**

***СУРАТЛАРДА:*** *хўжалик оператори Мурод Жабборов; дефолиация жараёнидан лавҳа.*

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

# ЯНГИ МАРКАЗ ИШГА ТУШДИ

***Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ташкил этилди.***

Унинг очилишида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган таълим тизими ислоҳотларида ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланди. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралда қабул қилинган "Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори алоҳида аҳамиятга эга.

Замонавий компьютерлар, ўқув жиҳозлари билан таъминланган марказда таълимда ахборот технологиялари, компьютер саводхонлиги, амалий психология каби йўналишларда масофадан малака ошириш курслари фаолият юритади.

**ЎзА.**

# ШИФО МАСКАНИ ЗАМОНАВИЙ КЎРИНИШДА

***Оҳангарон шаҳри аҳолиси учун энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик куни нишонланаётган кезлари муносиб туҳфа тортиқ қилинди.***

Шаҳардаги эски поликлиника тубдан қайта таъмирланиб, бемор болаларга замонавий ташҳис-даволаш асбоб-ускуналари ёрдамида хизмат кўрсата бошлади. Йилига 8 минг беморга тиббий ёрдам кўрсатувчи бу шифохонани таъмирлашга «Оҳангароншифер» ҳиссадорлик жамияти 130 миллион сўм маблағ сарфлади.

**Нурали АБДУРАСУЛОВ.**

# ЁНИБ ЯШАШ БАХТИ

**Ногаҳонда телефон жиринглади. Оромкурсида кўзи илинган Мухсум Пўлатов сергак тортиб, гўшакни кўтарди. Цех устаси Талъат Солиевнинг қўнғироқдек овози эшитилди:**

**— Салом, Мухсум ака! Режадаги шарларни муддатидан роса икки соат илгари тайёрлашга улгурдик. Буюртмачига бемалол «отни қамчиланг» деяверишингиз мумкин.**

— Раҳмат, Талъатжон, ишчиларнинг кайфияти қандай?

— Қантдай. Кечаги мукофот, кейин бўладиган моддий рағбатлантиришлар тўғрисидаги қанотли гаплар кайфиятларини кўтариб юборган кўринади, оғизлари ҳазил-мутоибада-ю, қўллари ишда.

— Яхши, ука, суръатни бўшаштирманг. Ой адоғига қадар режадан озроқ ўзиб олсак, марра бизники.

— Ишчиларимизнинг нияти ҳам шундай.

— Бўпти, ука. Мен энди буюртмачимиздан хабар олай...

Мен корхонага юқоридаги суҳбатдан беш дақиқалар кейин етиб борибман. Афсус, яна кечикдим.

Аслида тадбиркорни муқим бир жойдан топиш амри маҳол. Иши ҳар доим тиғиз бўлади. Вақт етказолмайди. Шуни ўйлаб қўл телефони билан боғландим. Эрталаб корхонада кутиб турадиган бўлди.

Пскент туманидаги «Муроду мақсад» кичик корхонасида сахармардондан ҳаёт қайнайди. Зулукдек тим қора енгил машина олдида Мухсум у ёқдан бу ёққа юриб, телефонда сўзлашади:

— Шартномада кўрсатилган миқдордагисини берамиз. Ортиқчаси осмонда, ака... Ҳа, ҳа, шундай. Озроқ чинни керакми? Пул ўтказиб, хоҳлаганча олишингиз мумкин. Мебелга ваъда беролмайман. Узр-да, олдиндан пул ўтказиб қўйган мижозларимиз ҳозир ўндан ошди... Уларни вақтида таъминлаш керак...

Суҳбатга нуқта қўйилгач, тадбиркор кундалик зарур юмушлар ижроси юзасидан ахборот бериш учун турган корхона фаоллариши бир-бир сўроққа тутди:

— Мурод, чорвага озуқа етяптими?

— Олиб келдик. Бироз қимматроқ.

— Анваржон, шарларга улов келдими?

— Негадир ҳаяллаяпти.

— Яна қўнғироқ қилинг, вақтдан ютқазаяпмиз. Пайсаллашса, кейин ўзларидан кўришсин. Асқар, қурилишда муаммо йўқми?

— Ҳозирча йўқ.

— Меҳмонхонада хотиржамликми?

— Шундай.

— Ёзги тўйхона пардаси нега илинмади?

— Бир соат ичида тайёр бўлади.

— Касал молни дўхтир кўрдими?

— Кўрди. Муолажадан сўнг охурга бош суқяпти...

— Кетдикми, ака, — у менга юзланди. — Сиз билан суҳбатни машинада давом эттирамиз. Ўтириб бир пиёла чой устида гурунг қилишга вақт қани, дейсиз. Касаначиларимизга ҳорманглар, деб қўйишим керак. Мухсум мезбонга хос илтифот билан уловнинг орқа эшигини очди. Йўлга тушгач, у суҳбат жиловини қўлга олди:



— Мен тадбиркорни минг кўзли булоққа ўхшатаман, ака. Қиёсим эҳтимол ғалати туюлар. Ҳеч кузатганмисиз, булоқнинг бир кўзини қум ёпиб қўйса, бошқа ердан яна юзта кўз бўлиб, жимирлаб, қайнаб тошаверади. Биргина чинни билан кифояланмадик. Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги «Физика-Қуёш» илмий-тадқиқот институти олимлари билан ҳамкорликда улар яратган керамик пантон — ичи ғовак шарлар ишлаб чиқаришни икки-уч йил давомида йўлга қўйдик. Бу шарлар янги қазиб олинган нефть маҳсулотларини ёзда буғланишдан сақлайди. Чинни учун келтирилган турли аралашмадан ҳоли махсус лойимиздан қимматли шарлар юзага келмоқда.

— Демак, корхона билан шартнома тузган касаначиларингиз ҳам бор экан-да.

— Ҳа, дарвоқе, бу ёғини айтмабман. Ота-боболаримиз, момоларимизнинг қадимий касб-кори ҳисобланган касаначиликни ривожлантириш тўғрисида Президентимиз Фармони, кейин ҳукумат қарори чиқди. Шундан сўнг уйда ишсиз ўтирган 40 нафар хотин-қиз билан шартнома тузиб, уларни фойдали меҳнатга тортдик. Касаначиларимиз чинни лойидан кичик ҳажмдаги керамик шарлар тайёрлаб бермоқдалар.

Корхонамизда чорвачиликни ҳам йўлга қўйганмиз. Бугун қорамолларимиз 60 бошга етди. Аҳолини гўшт билан таъминламоқчимиз. Қассобхонамиз эрта-индин ишга тушади.

Талабга кўра мебель ишлаб чиқаришни ҳам йўлга солиб юборганмиз. Идора стол-стуллари, китоб жавонларига буюртмалар қабул қиляпмиз. Вилоятдаги кўпгина бюджет ташкилотлари биздан чойшаб, матрас, кўрпача, тиббиёт ходимлари учун оқ халатни шартнома асосида олмоқдалар. 80 ўринли меҳмонхонамиз эл хизматида.

Истиқлол шарофати билан мана 15 йилда ўзимизнинг мустақил биномизга, цехларимизга, замонавий қишки, ёзги 700 кишига мўлжалланган тўйхоналаримизга эга бўлдик. Шу ерда эркак ва аёллар учун гўзаллик салони ишламоқда. Эрта-индин техникани таъмирлайдиган, ёғ алмаштирадиган махсус биноларимизни қуриб, жиҳозлаб, ишга туширамиз.

Тоққа чиққан одам чўққини кўзлар экан, ака. Асл муддаомиз янада эзгу. Пскент чиннисини жаҳон бозорига олиб чиқиш. Бунинг учун яна жаҳон кезиш керак. Хорижнинг жаранғдор чинни буюмлари хамиртурушини ўрганиш зарур. Қаранг, вақт шиддат билан ўтяпти...

Мухсум Пўлатов билан бир соатлар бирга бўлиб, хайр-маъзурдан сўнг машинадан тушиб қолгач, қалбимда алланечук ёруғ туйғулар жумбушга келди. Бу туйғулар Иқбол Мирзонинг «Айтгил дўстим, нима қилдик Ватан учун?» деган шеърий даъватига жуда-жуда ҳамоҳанг. Чиндан-да, биз Ватан учун нима қиляпмиз? Пўлатовлар сулоласини олайлик, уларни тадбиркор сифатида нафақат туманда, вилоятда, балки бутун Ўзбекистонда билишади. Мухсумнинг бош фарзанди Муроджонни ҳали 30 ёшга кирмаёқ, вилоятдаги барча ишбилармонлар танишади. Бугун корхона ишини юритаётган Асқаржон Пўлатовнинг ҳисоб-китоб илмининг моҳири эканлигини тан олмайдиган одам бўлмаса керак. Отанинг икки қаноти улар. Шунинг учун Мухсум Пўлатов ҳамон куч-қувватга тўла. Элим, юртим корига кўпроқ ярай, кўпроқ нафим тегсин, дейди.

Эҳтимолки, Юртбошимиз айтганларидек, ёниб яшашнинг асл моҳияти шудир. Элим деб, юртим деб ёниб яшамоқ бахти барчамизга ҳамиша ҳамроҳ бўлсин...

**Собиржон ИНОМОВ.**

## Орамиздаги одамлар

# САМИМИЯТ САБОҚЛАРИ

Шундай инсонлар бўладики, уларнинг ҳаёти ва фаолияти муайян бир соҳада меҳнат қилувчи бутун-бутун авлодлар тақдирига ўз ижобий таъсирини кўрсатиб ўтади. Бугун Ўзбекистон журналистларининг аксарияти ифтихор билан ўз устози, мураббийи деб ҳисоблагувчи Зиёд Исломович Есенбоев ана шундай замондошларимиздан. Бу кишининг бутун ижодий ва ижтимоий фаолияти мамлакат тараққиёти билан узвий чатишиб, замонавий матбуот, унинг моддий-техник асослари ва матбуотчиларнинг давр ташвишлари, муаммолари, халқ дарди билан яшовчи янги-янги авлодларини камолга етказиш, унчалик оддий бўлмаган шароитларда уларнинг салоҳияти ва иқтидорини республика истиқболига хизмат қилдириш билан боғлиқ бўлди.

1947 йили ўз севган касби — журналистикага қайтган Зиёд Есенбоев ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетасида даставвал бўлим мудири, масъул котиб, бош муҳаррир ўринбосари, 1954 йилдан «Тошкент ҳақиқати» газетаси бош муҳаррири бўлиб фаолият кўрсатди. 1961 йили республика етакчи газетасининг бош муҳаррирлигига тайинланди. Кейинчалик республика Журналистлар уюшмасини ва Давлат матбуот қўмитасини йигирма йилдан ортиқ бошқарди.

Бирқанча меҳнат, шон-шуҳрат нишонларининг соҳиби, Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофотининг совриндори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Зиёд Есенбоев пенсияга чиққач, кўп йил республика матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғарма бошқаруви раиси ва «Ўзбекистон матбуоти» журналининг бош муҳаррири вазифаларида хизмат қилди.

Бирон касбнинг этагидан тутиб, шу касб орқали тирикчилик ўтказиб, эл-юртга озми-кўпми танилган инсон борки, албатта, унинг устози бўлади ва у ўзининг ибратли, ҳавас қилса арзийдиган фазилатлари билан ҳамиша қалбингда яшайди. Зиёд Есенбоев ана шундай мўътабар замондошларимизнинг бири. Йиллар ўтиши билан бу ажойиб инсон фазилатларининг янги-янги қирралари намоён бўлаверади.

Ким ўз шогирдининг келажакда оқил, доно, элнинг кор-хайрига ярайдиган, обрў-эътиборли, энг муҳими, тўғри сўзли инсон бўлиб вояга етишини ўйламайди, дейсиз. Шу мақсадда у шогирдларига бир умр тарбия беради, энг яхши инсоний фазилатларни уларга сингдиришга ҳаракат қилади. Зиёд ака ҳам бутун умр матбуот соҳасига изма-из кириб келаётган ёшларни ўз фарзанди, шогирди деб билди, уларнинг тарбиясига бутун борлиғини сарфлади. У масъулиятни чуқур англар, интизомни ёқтирарди. Газетачи, журналист, таржимон, муҳаррир-ташкилотчи сифатида меҳнат қилиб, устоз асло чарчамасди. Баъзида ярим тунгача ишда қолиб кетарди. Зотан, у ҳар бир ходимнинг фаолиятини шундай жўшқин меҳнат мезони билан ўлчар, баҳо берарди, қадрларди.

Зиёд Исломович муҳаррирлик қилган йиллари «Тошкент ҳақиқати» учун ҳаёт ва жамиятдаги ижтимоий-маданий ва сиёсий-иқтисодий жараёнларни чуқур ёритувчи етакчи вилоят газетаси сифатида шаклланиш даври бўлди. Хоҳ ҳокимият идораларининг фаолияти бўлсин, хоҳ саноатни ривожлантириш, машинасозлик, металлургия ва кимё корхоналари ёки шаҳар қурилиши бўлсин, ҳеч бир мавзу шунчаки, хўжакўрсинга ёритилмасди. Газетанинг оддий хабаридан тортиб, публицистик ёки илмий-назарий мақолаларигача халқ, Ватан манфаати, юрт фаровонлигини ошириш учун меҳнат қилишга беадад иштиёқ ва эҳтирос уфуриб турарди.

Ўша йиллари ижодий жамоа иқтидорли журналистлар ҳисобига муттасил тўлдириб борилди. Исмоил Сулаймонов, Фарида Усмонова, Зокиржон Исроилов, Носир Рихсиев, Аброр Шайхов, Муборак Ғозиев, Тўлаган Нажмиддинов, Раҳматилла Норжигитов, Мирсобир Мирҳамидов ва бошқа журналистларнинг ижоди шу даврда сайқал топди.

— Ҳаммангиз мен учун бирдек қадрлисиз, — дерди бош муҳаррир йиғилиш, кенгашларда ҳамиша. — Лекин, шуни ҳеч қачон унутмангларки, мен меҳр ва ихлос билан меҳнат қиладиган ижодкорни жуда-жуда қадрлайман.

Меҳнат жамоаси аъзоларини қовуштиришни, жипслаштиришни, изчил йўналтиришни Зиёд Есенбоев ўзининг асосий вазифаси ҳисобларди.

— Бир-бирингизга суяниб ишланглар, ўзаро маслаҳатлашинглар, — деб таъкидларди устоз. — Бир-бирларингизга меҳрибон, ҳамкор, ҳамдард бўлинглар. Қачонки, тўй, маъракаларга отлансангиз, биргалашиб, жамоа бўлиб боринглар, бунинг хосияти, ҳикмати катта.

Баркамол инсон ўз меҳнатлари билан ҳаётда бетакрор из қолдиришга ҳаракат қилади. Зиёд Есенбоевнинг сермаҳсул фаолиятида эса, бундай табаррук излар беҳисоб. Мустақиллик йилларида устоз журналист эл-юртга танилган бир гуруҳ ижодкорларнинг ҳаёти, ижодини мадҳ этувчи «Матбуотимиз фидойилари» китобларини бирин-кетин нашр эттирди. Бу мустақил Ўзбекистонимиз журналистлар жамоатчилиги учун катта совға бўлди.

Лекин устоз журналист бу билан чекланмади. Ахир, мустақилликка эришилганидан кейин ўтган йиллар давомида янги-янги номлар ҳам пайдо бўлди, эътироф этилди-ку. Янгича саъй-ҳаракат, меҳнат, изланишнинг ўзига хос маҳсули сифатида «Матбуотимиз фидойилари»нинг учинчи китоби юзага келди.

Устоз дангаса, ишёқмас, бирор яхши мақола ёзиб қўйиб, ўзини йўқотиб, ўз устида ишламай қўядиган лоқайдларни, айниқса, тартиб-интизомни бузганларни сира-сира ёқтирмасди. Бундайларни баъзида мажлисларда аёвсиз танқид қилиб қоларди. Лекин ҳар бир эътирозини беғараз, самимий, умумий ишга фойда келтириши зарурлигини чин дилдан ҳис қилиб туриб айтарди. Бағрикенглик, кечиримлиликда Зиёд аканинг олдига тушадигани ҳали-ҳануз йўқ.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ.**

**ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!**

**Тошкент вилояти адлия бошқармаси қуйидаги ўрни бўш бўлган давлат нотариуси лавозими учун танлов эълон қилади. Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган олий юридик маълумотли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.**

**1. Ангрен шаҳар 2-сонли давлат нотариал идорасида — 1 та ўрин.**

**Талабгорлар танлов эълон қилинган кундан бошлаб, бир ой муддатда Тошкент вилояти адлия бошқармасига шахсан қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

а) малака комиссияси номига ариза;
б) паспорт нусхаси;
в) белгиланган шаклдаги тўлдирилган шахсий варақа;
г) меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
д) нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
е) нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгорнинг қайта малака имтиҳонини топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма;
ж) охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, У. Носир кўчаси, 93-уй.**
**Телефонлар: 362-84-30, 363-51-04.**

